



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

18 ЖИЛД, 2/3 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 18, НОМЕР 2/3

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 18, ISSUE 2/3



ТОШКЕНТ-2025

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№2/3 (2025) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2025-2/3>

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Fayziev Shoxrud Farmonovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

Boboyev Halimboy Boboyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Adilxodjayeva Surayo Maxkamovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Sattorov Abdug'afvor
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Yosuke Shamoto
yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)

Umarxonova Dildora Sharipxonovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Nematov Jo'rabek Nematilloevich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННЫЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

Malikova Gulchexra
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Xusanov Ozod Tillabayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Selimanova Svetlana Mixaylovna
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

Xvan Leonid Borisovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Peshkova Xristina Vyacheslavovna
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)

Sung Un Lee
yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

Oqyulov Omonboy
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ruziyev Rustam Jabborovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Borotov Mirodiljon Xomudjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Toshev Boboqul Norqobilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Shomuxamedova Zamira Shoislamovna
yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)

Ahmad Issa Altweissi
yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)

Mexmonov Kambariddin Miradxamovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

Esanova Zamira Normurodovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jason A.
Kanton Federal sud markazi (AQSH)

Borut Strazisar
Yuridik bo'lim boshlig'i (Sloveniya)

12.00.05 - МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

Usmanova Muborak Akmalxonovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Gasanov Mixail Yuriyevich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Sattorova Gulnoza Djurakulovna
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Murodova Gulnora
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Denisov Gleb
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Fayziyev Shuxrat Xasanovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Usmonov Muhammadi Bahridinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Xolmuminov Juma
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jo'rayev Yuldash Achilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Nurmatov Mirg'olib Mirzayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Po'latov Baxtiyor Xalilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salomov Baxrom Salomovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Osmonaliyev Qayrat
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirzayev Aziz
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Aleksey Kibalnik
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Kudryavtsev Vladislav Leonidovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Sergey Shoshin
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
James B.
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

Rustambayev Mirzayusup Hakimovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Zufarov Rustam Axmedovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Kabulov Rustam
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Rajabova Mavjuda Abdullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Taxirov Farxod
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ismailov Isomiddin
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)
Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Djansarayeva Rima Ernatovna
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Yelena Antonyan Aleksandrovna
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Matthew Light
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)
Qo'shayev Nurali Mahmudovich
yuridik fanlar nomzodi, dotsent (O'zbekiston)


Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Pulatov Yuriy Safiyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
To'laganova Gulchehra Zaxitovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirzov Davron Miragzamovich
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)
Rijakov Aleksandr Petrovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Stoyko Nikolay Genadyevich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Iskandarov Zayniddin
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Sergey Pen
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Aleksey Purs
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)
Jurgen Maurer
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)
Kevin Curtin
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

Ismoilov Bahodir Islamovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Yuldasheva Govverjan
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Alexander Trunk
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)


1. Boymurodov Botir Panji o'g'li NORMA IJODKORLIGI JARAYONIDA FUQAROLAR ISHTIROKI TASNIFI.....	5
2. Khurramova Adolat Bakhodir kizi EXPERIMENTAL LEGAL REGIMES IN THE DIGITALIZATION OF LAW.....	13
3. Ubaydullayev Abror Qutpilla o'g'li XORIJYIY MAMLAKATLARDA ISLOM MOLIYA HUQUQIGA DOIR QONUNCHILIK EVOLUTSIYASI.....	18
4. Абдуллаев Джамшид Джамилович МЕДИЦИНСКАЯ ПОМОЩЬ И МЕДИЦИНСКИЕ УСЛУГИ: ПРАВОВЫЕ РАЗЛИЧИЯ И МЕЖДУНАРОДНЫЙ ОПЫТ.....	25
5. Алимарданова Ирода Воҳид қизи ТАЪЛИМ ВА ИЛМИЙ МАҚСАДЛАР УЧУН АСАРЛАРДАН ЭРКИН ФОЙДАЛАНИШ.....	32
6. Зокиров Шерзод Илхом ўғли ПРОКУРОР – МУХТАСИБНИНГ ПРОТОТИПИ СИФАТИДА (ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ МИСОЛИДА).....	39
7. Abzalova Khurshida Mirziyatovna TIME OF COMMITTING A CRIME AND THE RETROACTIVE EFFECT OF THE LAW IN THE CRIMINAL LEGISLATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN.....	47
8. Ҳамидов Нурмуҳаммад Ориф ўғли АЙРИМ МАСАБДОРЛИК ЖИНОЯТЛАРИ ОБЪЕКТИНИНГ ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	53
9. Kurbanov Ma'rufjon Mamadaminovich BA'ZI XORIJYIY MAMLAKATLAR JINOYAT QONUNCHILIGIDA RETSIDIV JINOYATLAR UCHUN JAVOBGARLIKNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI.....	60
10. Shamsidinov Zayniddin Ziyovidinovich CRIMINAL AND LEGAL CHARACTERISTICS OF RECEIVING A BRIBE IN FOREIGN LEGISLATION.....	72
11. Суннатов Воҳид Тошмуродович МАНСАБ СОХТАКОРЛИГИ ЖИНОЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ.....	79
12. Баракайев Лазизжон Отақулович ИҚТИСОДИЙ ЭКСПЕРТИЗАЛАРНИ ТАЙИНЛАШ ВА ЎТКАЗИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОЛАР ТАҲЛИЛИ.....	86



Суннатов Воҳид Тошмуродович,
 Тошкент давлат юридик университети
 Жиноят ҳуқуқи, криминология ва коррупцияга
 қарши курашиш кафедраси доценти,
 Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
 ORCID: 0000-0001-7084-555X
 E-mail: sunnatovv@mail.ru

МАНСАБ СОХТАКОРЛИГИ ЖИНОЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

For citation: Sunnatov Vohid Toshmurodovich. SPECIFIC ASPECTS OF THE CRIME OF CAREER FRAUD. Journal of Law Research. 2025, 10 vol., issue 2/3, pp. 79-85

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.14950674>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада мансаб сохтакорлиги жиноятининг тушунчаси ва унинг ижтимоий хавфлилиги, мансаб сохтакорлиги жиноятининг жиноят ҳуқуқи назариясида бу қонун нормаси матнини жиддий суръатда ўзгартириш, ҳаттоки мансаб сохтакорлиги жиноятининг айрим турларини конкретлаштириш мақсадида бошқа қонун нормалари билан ҳам алмаштириш таклифлари баён қилинган. Жиноят ҳуқуқи назариясида мансаб сохтакорлиги жиноятининг тушунчасини айнан мансабдорлик жиноятлари тушунчаси билан биргаликда талқин қилинади. Бу жиноятнинг зарурий белгилари айнан мансабдорлик жиноятлари белгилари билан бир хилдир.

Калит сўзлар: мансаб сохтакорлиги жиноятининг тушунчаси ва унинг ижтимоий хавфлилиги, “жиддий зиён”, давлат ҳокимияти, бошқарув органлари,

Суннатов Воҳид Тошмуродович,
 Доцент кафедры уголовного права, криминологии
 и противодействия коррупции Ташкентского
 государственного юридического университета,
 доктор философии по юридическим наукам (PhD)
 ORCID: 0000-0001-7084-555X
 E-mail: sunnatovv@mail.ru

ОСОБЕННОСТИ ПРЕСТУПЛЕНИЯ КАРЬЕРНОГО МОШЕННИЧЕСТВА

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются объект и признаки должностного подлога, их характерные уголовно-правовые аспекты, в частности, их наличие в уголовном законодательстве, а также проблемы, возникающие в связи с отсутствием точного определения понятия «существенный вред» в соответствующих нормах, в связи с чем разработаны рекомендации по разрешению

вопросов профилактики и разграничению сферы преступления в виде должностного подлога. В теории уголовного права понятие преступления профессионального мошенничества трактуется совместно с понятием профессиональных преступлений. Существенные признаки этого преступления точно такие же, как и у должностных преступлений.

Ключевые слова: должностной подлог, объект преступления, должностные преступления, существенный вред, вопросы профилактики, государственная власть, органы управления,

Sunnatov Vohid Toshmurodovich,
Associate Professor of the Department of Criminal Law,
Criminology and Anti-Corruption of Tashkent State University of Law,
Doctor of Philosophy in Law
ORCID: 0000-0001-7084-555X
E-mail: sunnatovv@mail.ru

SPECIFIC ASPECTS OF THE CRIME OF CAREER FRAUD

ANNOTATION

This article illustrates the objective side of the forgery and its criminal legal significances, including which are specified in the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan. For example, the meaning of “in significant damage” is not given the criminal legislation of the Republic of Uzbekistan. That is why there are some problems in this field. In addition, proposals and recommendations for further improvement of the criminal legislation of the Republic of Uzbekistan. In the theory of criminal law, the concept of the crime of professional fraud is interpreted together with the concept of professional crimes. The essential features of this crime are exactly the same as those of official crimes

Key words: forgery, objective side of the crime, forgery crimes, in significant damage, prevention issues, government authority

Бизга маълумки, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланганлиги ҳамда унинг иккинчи йўналиши “Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари”[1] деб номланиши бугунги кунда жамиятда жиноятчилик, коррупция ва мансабдорлик жиноятларининг олдини олиш ва уларнинг содир этиш даражасини камайтириш, шунингдек мазкур соҳада жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш, коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ва коррупцияга қарши курашиш тадбирларининг самарадорлигини оширишда асосий дастуриламал десак асло муболаға бўлмайди.

Шу билан бирга, мансабдорлик жиноятлари доирасини аниқ белгилаб олиш, уларнинг белгилари, мазкур турдаги жиноятларни квалификация қилиш ва профилактикасини янада такомиллаштириш масалалари ҳозирги кунда долзарб аҳамиятга эга. Чунки мансабдорлик жиноятлари тушунчаси ва доираси ҳозирги вақтда ҳам назарий олимплар, ҳам ҳуқуқни қўллаш соҳасида фаолият кўрсатувчи мутахассислар ўртасида кўплаб мунозараларга сабаб бўлмоқда. Мазкур соҳа вакилларининг таъкидлашича, мансабдорлик жиноятлари мансабдор шахс ўзига берилган ҳокимият ва мансаб ваколатларидан фойдаланган ҳолда ёки мажбуриятларини қасдан бузиб бажариши натижасида давлат, жамоат манфаатларига ёхуд фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўладиган қилмишдир[2].

Шу жиҳатдан олиб қараганда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг айнан қайси моддаларида назарда тутилган жиноятлар мансабдорлик жиноятлари сифатида эътироф этилиши, мазкур жиноятларнинг олдини олиш чора-тадбирлари қай даражада ташкил этилганлиги, шунингдек, мазкур жиноятлар белгиланган нормалардаги “жиддий зиён” тушунчасининг аниқ талқини йўқлиги кўплаб саволларни келтириб чиқармоқда. Шундан

келиб чиқиб, мансабдорлик жиноятлари тушунчаси, ушбу жиноятларнинг аниқ доираси ва профилактикаси масалаларини аниқлаштириш зарурияти вужудга келади.

Жиноят ҳуқуқи назариясида мансаб сохтакорлиги жиноятининг тушунчасини айнан мансабдорлик жиноятлари тушунчаси билан биргаликда талқин қилинади. Бу жиноятнинг зарурий белгилари айнан мансабдорлик жиноятлари белгилари билан бир хилдир.

Мансаб сохтакорлиги жинояти натижасида давлат ҳокимияти органлари ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг нормал фаолият кўрсатиши фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига жиддий зарар етказилади.[3] Бу эса мустақил Ўзбекистон Республикаси даврида ҳуқуқий демократик давлат қуриш жараёнида, ҳокимият ва бошқарув органлар тизимини, қолаверса барча хўжаликлар негизи механизмнинг янгиланганлиги жараёнида раҳбар шахсларнинг ва барча мансабдор шахсларнинг масъулиятларининг янада оширилганлигини белгилаб беради.

Давлат даражасида мансабдорлик жиноятлари деярли кўп тарқалган жиноятларни ўз ичига олади. Бу ижтимоий хавфли жиноятлар таркибларининг ижтимоий-иқтисодий ва юридик анализи белгилари умумий мансабдорлик жиноятларининг қонунчилик назарий таҳлили даражасида таҳлил қилиш керак.

Қонун даражасида мансабдорлик жиноятларининг умумий тушунчалари баён қилинмаган. Лекин мансабдорлик жиноятларининг қонуний баённомаларида ҳамда жиноят ҳуқуқи назарияларида бу масалага кенг ўрин ажратилган[4].

Мансаб сохтакорлиги жиноятларининг хусусиятларини билиш учун бу жиноятларнинг тушунчаси ва белгиларини ўрганиш мақсадга мувофиқ. Мансабдорлик жиноятларининг асосий турлари ҳозирги кунда ЖКнинг ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар бобида назарда тўталган.

Мансабдорлик жинояти тушунчасининг асосий белгиларидан бири, бу жиноятнинг давлат аппаратининг нормал ишлаши ва халқ хўжалиги негизининг фаолият тартиби билан боғлиқ ижтимоий муносабатларга қаратилган бўлишлиги билан белгиланади.

Мансабдорлик жиноятлари тушунчаси жиноят ҳуқуқи назариясида бу жиноятларнинг белгиларининг биргаликда ифодаланиши билан таърифланади. Худди шу белгилар асосида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексининг 209-моддаси 1-қисми белгилари таърифлаб берилган. Жумладан унда шундай дейилади: Мансаб сохтакорлиги, яъни мансабдор шахснинг ғаразғўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб, расмий ҳужжатларга била туриб, сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиши, ҳужжатларни қалбакилаштириши ёки била туриб, сохта ҳужжатлар тузиши ва тақдим этиши, фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зарар етказилишига сабаб бўлса,-деб таърифланади. Мансаб сохтакорлиги жиноятларига берилган бу таъриф ўзига хос аниқ ва атрофлича хусусиятга эга. У ўзида бу жиноятларнинг барча асосий белгиларини мужассамлаштиради. Бу белгилар билан бошқа ўхшаш ҳуқуқбузарликлардан фарқлаш имкониятларини ярата олади. Бу таъриф мансабдорлик жиноятлари ҳақидаги қонунлар тажрибасини таҳлил қилиш бу жиноятларнинг назарий ўрганиб чиқиш ва суд амалиёти хулосаларининг умумлаштириш натижалари бўлиб ҳисобланади. Лекин мансаб сохтакорлигига берилган бу таърифни аниқлаштириш ва қўшимчалар киритиш мумкинлигини инкор этмайди.

Профессор Б.Ахраров, мансабдорлик жиноятлари деганда, мансабдор шахс ўзига берилган ҳокимият ва мансаб ваколатларидан фойдаланган ҳолда ёки мажбуриятларини қасдан ёки эҳтиётсизлик туфайли бузиб бажариши натижасида давлат, жамият манфаатларига ёхуд фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўладиган қилмишни тушуниш керак деб ҳисоблайди[5]. В.Крюков эса мансабдорлик жиноятлари деганда, мансабдор шахслар томонидан ғаразли ёки бошқа шахсий манфаатдорлик мотивида содир этиладиган ва фуқаро, ташкилот ёхуд жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига жиддий зарар етказадиган ижтимоий хавфли, ҳуқуққа хилоф ҳаракатларни тушунади. Ҳуқуқшунос

томонидан мансабдорлик жинойтлари сирасига мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашуш, пора олиш кабилар киритилган[2].

Хизматчининг давлат хизмати билан боғлиқ ижтимоий муносабатларда иштироки муайян муддатгача давом этиши мумкин. Жумладан, шартномада кўрсатилган вақтнинг тугаганлиги, ходимнинг шартнома муддати тугамасидан аввал шартномани бекор қилиш ҳақидаги ташаббуси билан ёхуд ходимнинг шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаганлиги ёки ҳуқуқбузарлик ёки жинойт содир этганлиги муносабати билан давлат хизмати билан боғлиқ муносабатлар тугатилиши мумкин. Давлат хизмати билан боғлиқ муносабатлар меҳнат қонуни, махсус йўриқнома ёки буйруқлар билан ҳам тартибга солинади. Масалан, ҳарбий хизматчи ҳақидаги муносабатлар ҳарбий хизматни ўташ тартиби ҳақидаги қонун билан тартибга солинади. Турли соҳаларни бирлаштирувчи давлат хизмати мансабдор шахсларнинг хизмат ҳуқуқлари, мажбуриятлари, тақиқлари ва жавобгарлигини белгиловчи касбий мақомидир[7], дейди Р.Иргашев. Бу фикр бир тарафлама, яъни фақат мансабдор шахс мақоми сифатида тўғри бўлиши мумкин. Лекин давлат хизмати фақат мансабдор шахсларни эмас, умуман давлат хизмати ходимларини назарда тутди.

Мансаб сохтакорлиги жинойтининг таърифлари юқорида берилган таъриф билан деярли тўғри келади. Фикримизча мансаб сохтакорлиги мансабдорлик жинойтлари белгилари билан бир хил бўлиб, берилган куйидаги таъриф бу жинойтларга тўлиқ хусусият касб этади. Жумладан, мансабдорлик жинойтлари деб, мансабдор шахс томонидан ўз хизмат ваколатини ёки вазифалардан фойдаланган ҳолда давлат, бошқа жамоат ташкилотларининг ёхуд фуқароларнинг қонун билан кўрикланадиган ҳуқуқ ва манфаатларига жиддий зарар етказувчи ҳаракатларга айтилади. Лекин бу тушунчада ҳам фикримизга кўра айрим ноаниқлик мавжуд. Жумладан, бу яратилган таъриф “Шўролар” тузуми даврига тўғри келади, у вақтларда ишлаб чиқариш муносабатлари ўзгача эди, давлат ишлаб чиқариш кучларининг асосий субъекти эди. Ҳозирги вақтда бундай муносабатлар тубдан ўзгариб кетди. Натижада бу тушунча ҳам мансабдорлик жинойтларига етарлича тушунча бўла олмай қолди.

Б.В.Здравомыслов томонидан ҳам шунга ўхшаш тушунча берилган. Унинг фикрига кўра мансабдорлик жинойти деб, мансабдор шахснинг ўз хизмат вазифалари юзасидан хизмат ёки мансаб ваколатларидан ёхуд хизмат бурчини бажариши муносабати билан давлатнинг ёки жамоат аппаратининг нормал фаолиятига путур етказувчи қасддан ёки эҳтиётсизликдан содир қилинадиган ҳаракатларга айтилади, дейди.

Бу таъриф ҳам ўз вақтида муйян муносабатларидан ташқари яна бир жиддий камчиликка эга эди. Жинойий қилмиш билан оддий ҳуқуқбузарликни фарқловчи зарар ҳақида ҳеч нарса айтилмаган, бу ҳаракатларни квалификация қилиш жараёнида катта аҳамиятга эга.

Мансаб сохтакорлиги жинойтини умумий ҳолда мансабдорлик жинойтлари белгилари билан бир хил деб тарифлансада, бу жинойтларнинг тури сифатида расмий ҳужжатга киритиладиган сохта маълумот билан таърифланиши ҳам кўп такидланади[8]. Натижада Б.В.Здравомыслов ҳам мансабдорлик жинойтларига янги таъриф бериб шундай хулосага келади.[9] Лекин бу таъриф билан ҳам келишиб булмайди. Бизнинг фикримизча мансабдорлик жинойтлари деб ҳисоблаш учун мансабдор шахснинг ижтимоий хавфи қилмиши натижасида албатта жиддий зиён етказилган бўлишлиги шарт. М.Ҳ.Рустамбоев ҳам ўзига хос диккатга лойик фикр айтади. Жумладан, унинг фикрига кўра, ҳамма мансабдорлик жинойтлари, жумладан мансаб сохтакорлиги ҳам, ҳаттоки тегишли қонун матнларида назарда тутилмаган бўлса ҳам давлат аппаратининг нормал фаолиятига жиддий зарар етказади.[10] Ҳақиқатда ҳам зарарнинг етказилган бўлишлиги ёки етказилиш хавфи яратилган бўлишлиги ҳаракатнинг жинойт эканлигини белгилаб бериш имкониятига эга. Мансаб сохтакорлиги жинойтида давлат, жамоат ёки айрим фуқароларнинг қонун билан кўрикланадиган ҳуқуқ ва манфаатларига жиддий зиён етказиш бу жинойтнинг зарурий белгиси бўлиб ҳисобланиши лозим.

Зарар доим ҳам мулкий хусусият касб этмаслиги ҳам мумкин. Айрим ҳолларда давлат аппарати негизига кирувчи корхона, ташкилот ёки муассасаларнинг нормал ишлаш

ҳолатларига жиддий зиён етказиши мумкин, унинг обрўсизланишига сабаб бўлиши мумкин ва хоказолар.

Мансаб сохтакорлиги жиноятининг бевосита объекти-давлат аппаратида кирувчи давлат ёки жамоат ташкилотларининг фаолият тартиби; махсус субъект-мансабдор шахс; жиноятни содир қилиш мансабдор шахснинг ўз хизмат вазифаси ёки мансаб ваколати юзасидан содир этиши мумкинлиги; ва бунинг натижасида давлат, жамоат ёки айрим фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларига жиддий зиён етказилган бўлишидир. Бу санаб ўталган белгиларнинг мажмуи айрим мансабдорлик жиноятлари таркибини белгилашда уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий моҳиятини белгилаш имкониятини яратади.

Мансаб сохтакорлиги жиноятига қуйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: мансабдор шахснинг ўз хизмат вазифаси юзасидан ҳокимият ёки мансаб ваколатидан ёхуд хизмат вазифасидан фойдаланган ҳолда мансаб ваколатини бузиб, сохта маълумот киритиши натижасида давлат, жамоат ёхуд айрим фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларига жиддий зиён етказиш ҳаракатига айтилади.

Мансаб сохтакорлиги жинояти мансабдорлик жиноятларининг бир тури сифатида ўзига хос хусусиятларга эга бўлишига қарамай юқорида таъкидланган белгиларнинг барчасини ўзига мужассамлаштиради. Айнан шу белгилар асосида мансаб сохтакорлиги жиноятининг объектив ва субъектив белгиларини таҳлил қилиб чиқиш мумкин.

ЖКнинг 209-моддасида: “Мансаб сохтакорлиги, яъни мансабдор шахснинг ғаразгўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб, расмий ҳужжатларга била туриб, сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиши, ҳужжатларни қалбакилаштириши ёки била туриб, сохта ҳужжатлар тузиши ва тақдим этиши, фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зарар етказилишига сабаб бўлса”, дейилади. Бу жиноятнинг ҳуқуқий моҳиятини мансабдор шахснинг ўз мансаб ваколатидан қасдан фойдаланиши оқибатида фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларига, давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зарар етказилишини ташкил қилади.

Мансаб сохтакорлиги аксарият ҳолларда бошқа жиноятлар билан бирга содир этилади ва кўпинча бундай суистеъмолликлар у жиноятларнинг содир этиш усулини ташкил этади. Бундай жиноятларга мансабдор шахснинг бажариладиган ишларини бажариш жараёнида мансабини сохталаштириш орқали ўзгалар мулкни талон-тарож қилиш, порахўрлик, экологияга қарши жиноятларнинг айрим турлари ва хоказолар қиради.

Мансаб сохтакорлиги жинояти ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш жиноятига нисбатан махсус таркибли жиноят бўлиб, айрим башқа жиноятлар учун умумий таркибли жиноят ҳисобланади. Умумий таркибли жиноят деганда шу жиноятнинг алоҳида турлари учун алоҳида жавобгарлик белгиланган жиноятлар тушунилади. Ҳужжатларга сохта маълумотлар киритиш билан содир этиладиган жиноятлар мансаб сохтакорлиги белгилари орқали содир этилса, махсус таркиб деганда мансабдан фойдаланиб содир қилинадиган бошқа жиноятлар тушунилади. Одатда бу турдаги жиноят қонунларида мансаб сохтакорлиги белгилари назарда тутилмайди, лекин шу жиноятлар мансаб сохтакорлиги натижасида содир этилади. Масалан: корхона директори томонидан жиноий йўл билан қўлга киритилган мулкни ўтказишда сохта ҳужжатлар қилиш, контрабанда мулкларни божхона текширувидан сохта ҳужжатлар тузиш натижасида ўтказиб юбориш ва хоказолар. Бундай ҳолатларда одатда жиноятлар мажмуи тарикасида жавобгарлик масалалари хал этилади.

Мансаб сохтакорлиги жиноятининг бундай хусусиятлари мавжуд бўлганлиги учун ҳам жиноят ҳуқуқи назариясида бу қонун нормаси матнини жиддий суръатда ўзгартириш, ҳаттоки мансаб сохтакорлиги жиноятининг айрим турларини конкретлаштириш мақсадида бошқа қонун нормалари билан ҳам алмаштириш таклифлари баён қилинади. Бу борада кўпроқ аниқ фикрлар Профессор Б.Ахраров томонидан келтирилади. Унинг таъкидлашига кўра мансаб сохтакорлиги нормаси аксарият ҳолларда давлат ёки жамоат ташкилотларига катта миқдорда мулкий зарарлар етказилганда қўлланиши кузатилади ва аксинча давлат манфаатларини, хўжалик бошқаруви тизимини, айрим фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш

жараёнида сансалорликка йўл кўйилганда камдан-кам ҳолларда қўлланилади. Бунинг сабаби ҳуқуқни қўллаш амалиётининг камчилиги деб ҳисоблайди[11]. Унинг шунингдек айрим умумий таркибли мансабдорлик жиноятлари ўзгалар мулкани талон-тарож қилиш жиноятларига нисбатан захирадаги таркиб бўлиб хизмат килади, деган фикрига қўшилса бўлади. Бу жиноятлар ўртасида аниқ фарқлар мавжуд. Худди шундай фикрни олдинроқ А.Жалинский ҳам таъкидлаб, у мансаб суиистеъмоллиги жиноятининг бир қанча махсус таркибларини тузиш керак, дейди, жумладан мансаб сохтакорлиги жинояти ҳам шулар жумласидандир. Бу махсус таркибларнинг тузилиши эса мунозарали бўлиб ҳисобланади, баъзи ҳолларда эса аниқ белгиларга эга булмаган ҳамда бир-биридан фарқлаш мумкин бўлмаган ўхшаш қонун нормаларини таклиф этади[6]. Мансабдор шахс томонидан “ғайриқонуний тарзда моддий манфаатдорликка ёки имтиёзларга эга бўлиш ёки шундай имкониятларни бошқа шахсларга бериш” учун жавобгарлик белгилашни таклиф этади. Бундай ҳаракатлар билан ўзгалар мулкани талон-тарож қилишнинг қандай фарқи бор? Қандай имтиёзлар тўғрисида сўз юритилади, аниқ берилмаган. Ёки “шахс-ташкилот, корхона ёки муассаса ҳақида ёлғон маълумотлар келтириб, ёки бошқача ёлғон маълумотлар эвазига адаштириб бажариб бўлмайдиган шартномалар туздириш, дейди. Бундай ҳаракатлар шунчалик даражада мансаб сохтакорлигининг тушуниб бўлмас тури сифатида келтирилади. Бундай мансаб сохтакорлигининг тури жиноят билан оддий ҳуқуқбузарликни фарқларини ҳам йўққа чиқариб қўяди. Буларнинг ҳаммаси мансаб сохтакорлиги жиноятининг алоҳида мустақил турга бўлиш тўғри эмас, деган хулосага сабаб бўлади.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда. (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. PF-4947 dated 7 February 2017 “On the Strategy of Actions for the Further Development of the Republic of Uzbekistan”. Collection of Legislation of the Republic of Uzbekistan, 2017, No. 6, Article 70)
2. Ахраров Б.Дж. Бошқарув тартибига қарши мансабдорлик жиноятлари учун жавобгарлик муаммолари: Юрид. фан. докт. дисс. автореф. – Тошкент: ТДЮИ, 2008. – 8-9-бетлар. (Akhrarov B.J. Problems of liability for official crimes against the administrative order: Legal Science. Doctor of Laws. Dissertation. Author's ref. – Tashkent: TDUI, 2008. – pp. 8-9.)
3. Рустамбоев М.Х. Жиноят ҳуқуқи (махсус қисм), Тошкент 2000 йил 302 бет. (Rustamboev M.Kh. Criminal law (special part), Tashkent 2000, pp. 302.)
4. Жиноят ҳуқуқи (махсус қисм), Тошкент 2000 йил 302-318 бетлар; Ахраров Б.Д. Мансабдорлик жиноятлари ҳақидаги қонунлар. (Ўзбекистон Республикасининг янги кодекслари; назария ва амалиёт илмий-амалий анжуман материаллари) тыпламида. Тошкент-1994 йил 86-88 бетлар. (Criminal law (special part), Tashkent 2000, pp. 302-318; Akhrarov B.D. Laws on official crimes. (New codes of the Republic of Uzbekistan; materials of the scientific-practical conference on theory and practice). Tashkent-1994 pp. 86-88.)
5. Зуфаров Р.А. Уголовная ответственность за получение взятки. Автореферат. к.ю.н. Ташкент-1994 йил. (Zufarov R.A. Ugolovnaya otvetstvennost za poluchenie vzyatki. Abstract. k.yu.n. Tashkent-1994.)
6. Ахраров Б.Д. Мансабдорлик жиноятлари учун жавобгарлик. Т., “Адолат” – 2007. 21 б. (Akhrarov B.D. Liability for official crimes. Т., "Adolat" - 2007. 21 p)
7. Крюков В.В. Методика расследования должностных преступлений коррупционной направленности: Автореф. дисс. канд. юрид. наук. – Челябинск: 2011. – С. 7-8. (Kryukov V.V. Metodika rassledovaniya dolzhnostnykh prespleniy korruptsionnoy napravlennosti: Autoref. diss. sugar walk science - Chelyabinsk: 2011. - S. 7-8)

8. Иргашев Р. Проблемы государственной службы и правового статуса государственных служащих //Ҳуқуқ ва бурч. – Тошкент, 2007. – № 7. – Б. 44. (Irgashev R. Problemy gosudarstvennoy slujby i provovogo statusa gosudarstvennyx slujashchix //Right and duty. - Tashkent, 2007. - No. 7. - B. 44.)
9. Зуфаров Р.А. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. XV боб. Т., Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар Академияси. 1997. 269 б. (Zufarov R.A. Comments on the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan. Chapter XV. Т., Academy of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan. 1997. 269 p.)
10. Уголовное право. Махсус қисм. М., 1988 йил 351 бет. (Criminal law. Special part. М., 1988, 351 pages)
11. Рустамбоев М.Х. Курс уголовного права. Т., ТДЮИ, 2008. 4 том, 219 бет. (Rustamboev M.Kh. The course of criminal law. Т., TDYuI, 2008. 4 volumes, 219 pages)

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

10 ЖИЛД, 2/3 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 10, НОМЕР 2/3

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 10, ISSUE 2/3

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000